



◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) миссияси раҳбари Урсула Гачек ўртасида 3 июль куни бўлиб ўтган учрашувда президентлик сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.



◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг тақдирини буюриб 4 июль куни Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг видеосанжуман шаклида ўтайдиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.



◆ Президент томонидан имзоланган қонун билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида Ўзбекистон – Қозоғистон давлат чегарасини демаркация қилиш тўғрисидаги шартнома (Тошкент, 2022 йил 22 декабрь) ратификация қилинди.

Хужжат Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жумарт Тоқаев томонидан 2022 йил 21 декабрда имзоланган эди.



◆ Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Паркент туманида бўлиб, маҳаллар фаолияти ва тадбиркор ҳамда фермерларга яратилган шароитлар билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.



◆ Шу йилнинг 3-7 июль кунлари пойтахтимизда «Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат» мавзусида халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги ҳамда «Ўзбекистон маданий мероси – Янги Ренессанс асоси» халқаро конференциялари бўлиб ўтди.



◆ Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош консулхонаси дипломатлари таниқли турк ишбилармон доира вакиллари билан учрашди, деб хабар бермоқда «Дунё».



◆ Тошкент шаҳридаги «International» меҳмонхонасида Хитой Халқ Республикасининг туризм сектори вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Мазкур форум Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини Хитойда тарғиб қилиш ва Ўзбекистон-Хитой туризм саноати вакиллари ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини мустақамлашга бағишланди.



## Болаларга беринг дунёни!



Нафс  
бандаси



Алвидо,  
муҳаббат!



Қуриётган  
малиназорлар

**Бухоро вилояти** | **Касаба уюшма аралашгач...**

### КЕЧИККАН ЗАРАР ПУЛЛАРИ ТўЛАБ БЕРИЛДИ

**Бухоро шаҳар ободонлаштириш бошқармасининг ходимлари Нафосат ва Наргиза Камолова ҳамда Зулфизар Жумаевадан ўтган йили ўз вазифасини бажариш чоғида йўл транспорт ҳодисасига учраб, тан жароҳати олишган. Уларнинг икки нафари 80 фоиз, бир нафари 40 фоиз меҳнат қобилиятини йўқотган, деб топилиб, II гуруҳ ногиронлиги белгиланган эди.**

Бирок ўтган даврда иш берувчи томонидан ходимларнинг соғлиғига етказилган зарар тўловлари ҳамда бир йўла товон тўловлари тўланмади. Бунинг устига соғлиғини тиклаш учун даволанишга бориб келган йўл ҳамда дори-дармон харажатлари ҳам қўлаб берилмади.

Фуқаролар ушбу масала юзасидан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгашига мурожаат қилишди.

Мутахассислар ҳолатни ўрганиб чиқишгач, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши номидан Бухоро туманлараро судига ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб даъво аризаси киритилди.

Суд иш берувчи томонидан ходимлар – Нафосат Камоловага 45 млн. 068 минг 777 сўм, Наргиза Камоловага 38 млн. 287 минг 424 сўм ҳамда Зулфизар Жумаевага 30 млн. 591 минг 842 сўм зарар пуллари ундириб бериш бўйича қарор чиқарди.

Аслида саломатлиқнинг қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Айнан шунга кўра ҳам иш берувчилар томонидан мана шу бебаҳо бойлигига дарз кетган ходимларга маблағ тўлаб беришнинг кечиктирилиши ҳам аянчли ҳолат, менимча.

**Азиз ОМОНОВ,**  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси  
Бухоро вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси

**Андижон вилояти** | **Эътибор**

### Илғорлар рағбатлантирилди

Жорий йил бошидан Андижон вилоятидаги мактабгача ва мактаб таълими соҳасида меҳнат қилаётган 56 нафар ўқитувчи ҳамда 24 нафар мактаб директори юртимиздаги нуфузли санаторийларда бепул дам олишди. Йил охиригача яна 130 нафар педагогга соғлиқларини беул тиклаш имконияти яратилади. Шунингдек, улардан 152 нафари мамлакатимизнинг тарихий, диққатга сазовор шаҳарларига саёҳат қилишган бўлса, 7 минг нафардан зиёди ички туризм бўйича яратилган имтиёزلардан фойдаланишди.

Табийки, ёзги таътилдаги мазмунли ҳордиқ устозларнинг келгуси фаолияти унумли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Буни яхши тушунган Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Андижон шаҳар кенгаши уларни санаторийларда соғломлаштириш ҳамда юртимизнинг диққатга сазовор тарихий ғўшаларига сайёҳлик сафарлари уюштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда бу каби эзгу ишларни намунали йўлга қўйган бошланғич ташкилотлар ўртасида кўрик-танлов ўтказди.

Илғорларни рағбатлантириш билан бирга, касба уюшмаларининг ўрни ва ролини оширишга хизмат қилган танлов натижаларига кўра, ҳамкасбларига ўрناк бўлган, фидойи бошланғич ташкилотлар раислари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зафарбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

### Лицензиясиздан жудо бўлган клиника

у аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қодир эмасмиди?

**3**



АЙРИМ МАНЗИЛЛАРДА  
НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ  
ЮРИТГАНИ УЧУН ТИББИЙ-ЛА-  
БОРАТОР ТАҲЛИЛЛАР ЎТ-  
КАЗИШГА ИХТИСОСЛАШГАН  
«INTERMED INNOVATION»  
МЧЖНИНГ ЛИЦЕНЗИЯСИ  
ОЛИБ ҚЎЙИЛГАНДИ. БИЗНИ  
УШБУ МУАССАСА ДИАГНОС-  
ТИК ЛАБОРАТОРИЯСИНИНГ  
ИШСIZ ҚОЛГАН ХОДИМЛАРИ  
ТАҚДИРИ, СОҲА ТАДБИР-  
КОРЛАРИ ҚАЙ ДАРАЖАДА  
ҲИМОЯЛАНГАНИ, УЛАРГА БЕ-  
РИЛГАН ИМТИЁЗЛАР ВА ТИБ-  
БИЁТДА НОҚОНУНИЙ ИШ  
ОЛИБ БОРИШНИНГ ХУНУК  
ОҚИБАТЛАРИ ҚЎЛГА ҚАЛАМ  
ОЛИШГА УНДАДИ.

# Лицензиясидан жудо бўлган клиника

у аҳолига сифатли тиббий хизмат  
кўрсатишга қодир эмасмиди?

Бўлди ажаб ҳангомалар...



## АРЗОН ВА ҚУЛАЙ БЎЛГАН, АММО...

Клиника Тошкент шаҳри ва вилоятидаги 178 та поликлиникада тиббий хизматлар кўрсатган. У муайян афзалликларга эга эди. Аввало, оилавий поликлиникага келган фуқаролар унда мавжуд бўлмаган айрим лаборатория текширувлар учун олисдаги хусусий клиникаларга бориб юришмаган. Қолаверса, давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этилган мазкур филиаллардаги нархлар бошқа хусусий клиникалардагига нисбатан арзонроқ бўлган.

Аммо қутилмаганда Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридан шикоят хати келиб тушади. Шу асосда ўтказилган текширишлар асноси тадбиркорлик субъекти айрим поликлиникаларда лицензия олмай фаолият юритаётгани аниқланади. Пировардида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига кўра, клиника жорий йилнинг 31 майдан эътиборан «Шахристон» ва «Олой бозори» худудига яқин манзиллардаги марказий лабораторияда ҳамда қолган филиалларида аҳолига хизмат кўрсатишни тўхтатган. Шунингдек, унга 90 миллион сўм миқдорда жарима ҳам белгиланган.

## ҲОЗИРЧА ҲЕЧ КИМ ИШДАН БЎШАТИЛМАГАН

Айни пайтда клиниканинг 400 га яқин ишчи-ходимлари кўшимча ёки асосий даромадидан мосуво бўлиш муаммосига дуч келишлари эҳтимолдан холи эмас. Биз шунга назарда тутиб, муассаса бош маъмури Иzzат Аббосовга мурожаат қилдик. Унинг айтишича, ҳозирча ҳеч бир киши ишдан бўшатилмаган. Хусусан, поликлиникалар қошидаги 178 та филиалнинг ҳам, иккита марказий лабораториянинг ҳам ходимлари ишга келиб туришибди ва асосан ҳужжат ишлари билан шугулланишмоқда. Клиника раҳбарлари келгусида унинг фаолиятини қайта тиклашга ҳаракат қилишди, яқин орада ҳеч бўлмаганда марказий лабораториялар ишини такроран йўлга қўйиш чораларини кўришади. Унга қадар ходимлар ўз истаklarига биноан, навбати билан меҳнат таътилига чиқариладилар.

Сўхбатдошимизнинг гапига қараганда, «Intermed Innovation» МЧЖ раҳбарияти шу пайтга қадар ўзаро музокаралар ўтказиш, давлат-хусусий шериклиги шартномаси шартлари ва йўл қўйилган хатолар юзасидан маслаҳатлашиб олиш мақсадида бир неча бор Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилган. Бироқ вазирлик ҳеч қандай жавоб бермаган.

## ЛИЦЕНЗИЯНИ ТИКЛАШ ИМКONI БОР, ФАҚАТ...

Гувоҳи бўлганимиздек, қонунбузарлик содир этгани туфайли «Intermed Innovation» МЧЖнинг лицензияси бекор қилинган ва жарима жазоси тайинланган. Шу ўринда ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: агар у жарималарни тўласа ва ноқонуний иш олиб борилган объектларда зарур шароитларни таъминласа, хизмат кўрсатиш учун яна лицензия олиши ва фаолиятини давом эттириши учун рухсат бериладими? Ахир, тадбиркор ўз фаолиятини давлат-хусусий шериклиги асосида йўлга қўйиш учун

178 та оилавий поликлиника қошидаги филиалларини жиҳозлашга катта маблағ сарфлаган-ку! Жумладан, 2022 йил январь-май ойларида бу филиаллар учун махсус автоташналар, уларга бириктирилган хоналарга юқори сифатли интернет, совуткич, лаборатория таҳлилларини ўтказиш мосламаси ва ҳоказолар сотиб олиниб, барчаси тўлиқ жиҳозланган. Бу воситалардан салкам бир йил самарали фойдаланиб келган.

Ҳўш, вужудга келган муаммога қонунан ижобий ечим топиш мумкинми ёки у тизим мутасаддиларининг шахсий қарашларига боғлиқми?

Биз ушбу масалага ойдинлик киритиш ниятида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг матбуот котиби ва масъуллари билан телефон орқали боғланишга уриниб кўрдик. Узоқ давом этган ҳаракатларимиздан сўнг ўзини вазирлик юристи деб таништирган, лекин фамилиясини айтишни истамаган Муродилла исми йигит билан боғландик.

## ҲУҚУҚШУНОС ЖАВОБИ

— Агар МЧЖ раҳбарлари истасалар, шахсий кабинети орқали бизга ҳар қандай савол билан онлайн мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаатга тегишли муддат ичида жавоб берилмаса, вазирлигимиз қонунан жаримага тортилади. Қолаверса, бу жараёнларда раҳбарларнинг шахсий қарашлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Олдинлари ҳам вазирлигимиз тегишли бошқармаси ваколати билан ноқонуний иш юритган айрим хусусий клиникаларнинг лицензияси тугатилган ва улар камчиликларини бартараф этган, яна лицензия олишга муваффақ бўлишган. «Intermed Innovation» МЧЖ ҳам шундай имкониятга эга. Бунинг учун у, аввало, белгиланган жаримани тўлаши шарт. Аммо, бизга маълум бўлишича, шу кунгача жарима тўланмаган.

Яна бир гап. МЧЖнинг ноқонуний фаолияти аниқланганда ҳам лицензиясиз филиалларида аҳолига хизмат кўрсатишда давом этди. Афсуски, вазирлик хусусий тиббий клиникаларни тўғридан-тўғри текшириш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бунинг учун биз тегишли органлардан рухсат оламиз.

Тиббиёт соҳасида лицензиясиз фаолият юритиш эса одамлар саломатлиги ва ҳаёти учун ниҳоятда хавфлидир. Биринчидан, лаборатор таҳлиллар жараёнида тананинг мутаносиблиги бузилади. Агар тегишли санитар-гигиеник шароит яратилмаган бўлса, инсон вируси юқтириб олиши ҳам мумкин. Иккинчидан, таҳлил учун олинган қон ва пешоб каби суюқликлар махсус жиҳозларда ва алоҳида шароитдаги лабораторияга ташиб олиб борилиши керак. Агар бу ишлар белгиланган меъёрлар асосида бажарилмаса, таҳлил натижалари ҳам катта эҳтимол билан хато чиқади.

Бу тадбиркор эса ана шундай шароит яратилгани ҳақида ҳеч қандай расмий хулосага эга бўлмай ту-

риб, бошқа манзилларда ҳам аҳолига хизмат кўрсатган. Ҳолбуки, бундай ўзбошимчиликлар охири пайтларда нечоғлик қимматга тушаётгани, бир нечта хусусий клиникада ҳатто ўлим билан яқун толган ҳолатлар қайд этилгани ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда бундай хунук оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларга қарши қатъий чоралар кўрилди.

Мен юрист сифатида хусусий тиббий клиникалардаги хизмат кўрсатиш сифатини назорат қилиш, текширишга қўйилган чеклов – мораторийни тугатиш керак, деб ҳисоблайман. Балки бошқа ҳар қандай соҳадаги бизнесни эркин қўйиш ўзини оқлар, аммо инсон саломатлиги, ҳаёт-мамоти билан боғлиқ тиббиёт соҳасига жиддий қарашимиз керак. Уларни ҳам давлат тиббиёт муассасаларидаги каби хизмат кўрсатиш сифати, шифокорларнинг малакаси ва бошқа жиҳатлари бўйича назорат қилиб туриш лозим. Ҳозир эса фақат шикоят тушган тақдирда ва бизнес-омбудсман рухсати билангина текшириш мумкин. Бу тиббиёт йўналишида ишлаётган айрим тадбиркорларнинг ноқонуний фаолият юритиш имкониятлари кенгайишига сабаб бўлмоқда.

Тўғри, кўплай тиббиёт ходимлари ишсиз қолаётгани ачинаарли. Лекин «Intermed Innovation» МЧЖ раҳбарлари ноқонуний фаолиятни йўлга қўйишга қараганда бу ноқўя қилмишлари вақти келиб ўша ишчи-ходимлар тақдирига соя солиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришимиз керакми? Ёки бирор юртдошимиз вирус, айтилик, гепатит вирусини юқтириб олса, оила аъзоларининг барчаси топан пулини шу хасталиқдан даволаниш учун сарфлаши, бундан катта миқдорда иқтисодий зарар кўришини хаёлларига келтиришимиз керакми? Таассуфки, бу саволларга ижобий жавоб бериш мушкул. Чамамда, улар кўпроқ пул топишни ўйлашган. Бунинг жабрини эса бошқалар тортмоқда.

## ХУЛОСА ЎРНИДА

*Дарвоқе, сўнги вақтларда хусусий тиббиёт муассасаларида рўй берган кўнгилсизликларни ҳаммамиз кўриб-эшитиб турибмиз. Шундан кейин ҳам бу борадаги ҳар бир ҳаракатга жиддий қарамаслик, ҳатто камчиликларининг олдини олмаслик ва чора кўрмаслик инсофдан бўлмас керак.*

*«Intermed Innovation» МЧЖ мутасаддилари эса, халқимизга сифатли хизмат кўрсатиш ниятида бўлсалар, қайтадан лицензия олиш чораларини кўришсин.*

*Биз воқеалар ривожини кузатишда давом этамиз.*

Зебо НАМОЗОВА

«ISHONCH»



# ВИРТУАЛ ОЛАМГА СОТИЛАЁТГАН КЕЛАЖАК

Замонавий ахборот технологиялари ривожланиб боргани сайин Интернетдан фойдаланувчилар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Айниқса, мобиль алоқа воситаларига Интернет жойлаштирилгани сабаб уларсиз турмушимизни тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. Интернет шу даражада ҳаётимизга шиддат билан кириб бораётгани, натижада халқимизнинг китоб, газета ва журналларга бўлган эҳтиёжи анча сусаймоқда.

Илгари ҳар бир хонадонга камида 2-3 та газета-журнал келарди. Ҳозир эса оиланинг дегарли ҳар бир аъзосида мобиль алоқа воситаси мавжуд. Автобус ва метродаги йўловчиларнинг 80-90 фоизи телефондан кўз узмай кетишади. Иجتимоий тармоқларда илм-маърифат, инсонийлик ва эзгуликни тараннум этувчи сайт ва блоглар обуначиларидан кўра, ҳар хил енгил-елпи ва бачкана тармоқ вакилларининг ку-

затувчилари бир неча юз баробар кўп.

Бугун биз яқин дўстларимизнинг гапларидан кўра, иجتимоий тармоқда кўрганларимизга кўпроқ ишонамиз. Ҳолбуки, кўриб турибмизки, китоб ўқиган инсондан кўра, иجتимоий тармоқда ўтирган инсонни алдаш бирмунча осонроқ. Ёшларимиз ўзлари билмасдан турли бузуғунчи фойларни илгари сурадиган ноқонуний сайт ва каналларга обуна бўлиб, тасдиқлан-

маган, эътиқодимизга зид бўлган хабарларни бошқаларга улашиш оқибатида жиноятга қўл урмоқда. Бу каби ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқишига фақат ёшлар эмас, катталар, ота-оналар ҳам айбдор. Назорат издан чиққан жойда яна нимани кутиш мумкин?

Биз қачон ривожланамиз? Қачонки, виртуал оламда бесамар кетаётган қимматли вақтимизни керакли нарсаларга сарфласак, бачкана лавҳаларга ишқибозликдан тийилсак.

Биз бугун кичкина лўли боланинг «минг сўм беринг, акажонлар» деган видеоси-ю, бир опаннинг «вию-вию, вар-вар...» деган лавҳасига қизиқадиган, театрда ўтирганда ҳам «тик-ток»ни томоша қилиб, спектакл сўнггида буюк санъат асарининг нима ҳақиқалигига тушунмай, баралла қарсақ чаладиган авлодга айланиб қолмадикми?

Қувондиқ АЛМАТОВ,

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

## Ҳадик



